



ОПТИ БАКТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 6 сентябр, шанба № 140 (1565)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ИШОНЧ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 сентябр кuni Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Ташки ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташки ишлар вазири Игор Иванов, Хитой ташки ишлар вазири Ли Чжаосин, Козогистон ташки ишлар вазири Косимжумарт Тоқаев, Киргизистон ташки ишлар вазири Аскар Айтматов ва Тожикистон ташки ишлар вазири Талбаб Назаровни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ШХТнинг шаклланиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгани билан муҳимлигини таъкидлади. Мазкур анжуман ташкилот олдиға қўйилган вазифалар изчил бажарилиб бораётганидан далолат беришини қайд этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жадал ривожланаётгани аъзо давлатларда ҳамфикрлик ва яқдиллик мавжудлигини дарак берди. Нафақат хавфсизлик аммоси, балки ШХТ қамра-

равишда унинг халқроқ сиеъат майдонидаги нуфузи ҳам ортиб бормоқда. ШХТ Ташки ишлар вазирлари кенгаши Тошкентда илк бор мажлис ўтказди. Вазирлар давлатлар раҳбарларининг май ойида бўлиб ўтган Москва саммитида эришилган келишувларни хайъта жорий қилиш билан боғлиқ амалий масалаларни муҳокама этди, ШХТнинг шаклланишини охириға етказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни сарҳисоб қилди. Шу нуктага назардан қараганда, кенгашининг Тошкент мажлиси муваффақиятли кечди, деб хулоса қилиш мумкин. Оқсаройдаги учрашувда ШХТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

**МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари 2003 йил 7-11 сентябр кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.  
Ташриф чоғида узаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан шахсан Сиз, Жаноби Олийларига ва ватандошларингизга самимий тилакларимни изхор этмаман.  
Умумий манфаатларға мос ва турли миллатларнинг ҳамжихатлигини таъминлайдиган ривожланган жамият қурилиши йўлидаги фуқароларингизнинг саяёҳаракатларини қўллаб-қувватлашни Парвардигордан сўрайман.  
Сиз, Жаноби Олийларига, ҳукуматингиз аъзоларига ва халқингизга тинчлик-омонлик тилаб дуо қиламан.  
**Июан ПАВЕЛ**  
Иккинчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сизға ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни йўллаш шарафига мяъссарман.  
Фурсатдан фойдаланиб, шу йилнинг 28 июлида Алио-Мари хонимға кўрсатилган қабул учун билдираётган ташаккуримни қабул этгайсиз. Мазкур ташриф мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди. Биз ўтган йилнинг ноябрида Прагада ўтган саммитдаги учрашувимиз чоғида мана шу ҳамкорликни тилға олган эдик.  
Биз барча соҳалардаги муносабатларимизға янги омили бахш этмоқ учун келгуси йилдан фойдаланишимиз лозим. Шу жиҳатдан олганда, биз иқтисодий муносабатларимизнинг хозирги даражасидан қоника олмаيمиз.  
Франциянинг Марказий Осиёдаги мажбуриятлари хар қандай ҳолатларға боғлиқ эмас, Франция бундан бўвн ҳам минтақадаги мамлакатлар билан бирдамлигини мустақамлаб бравершиш ниетидадир. Ушбу минтақа мамлакатлари юзға келаётган хоё халқаро терроризм бўйсин, хоё наркотрафик ёки уюшган жиноятчилик бўйсин, янги хавф-хатарларға қарши курашининг олдинги маррасида турибдилар.  
Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ва минтақавий интеграция ишига Ўзбекистон қўшаётган ҳиссанинг ахамиятини Франция юксак қадрайди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатида қарор топиши йўлида ва унинг иқтисодий ривожланишида Франция қатъий равишда у билан бирға бўлади.  
Мухтарам Президент Жаноблари, Сизға бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.  
**Жак ШИРАК,**  
Франция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Швейцария Федерал Кенгаши ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эъзу тилакларини изхор этиб, Сизға сийхат-саломатлик ва фаровонлик ҳамда мамлакатингизға равнақ тилайман.  
**Паскал КУШПЭН,**  
Швейцария Конфедерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини нишонлашни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад манмунлигимни изхор этмаман.  
Фурсатдан фойдаланиб, Сизға сийхат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизға доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.  
Қамоли эътиром билан,  
**Мухаммад Хусний МУБОРАК,**  
Миср Президенти

## Ерга эгаллик ҳисси «ТЎҚБОЙ» ИЖАРАЧИЛАРИ

«Тўқбой» хўжалигининг Камаш туманида ўз ўрни, салмоғи бор. Хўжалик кенг тармоқли. Ғаллани топириб бўлишда, Чорваси ҳам ўзларига яраша, бошқа қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ҳам. Аммо хўжалик асосан пахтачиликка иқтисослаган. Улар бу йил 930 гектар майдонга чигит экишди, ундан 2240 тонна ялпи ҳосил олиниши кўзда тутилган.

Бу йил тўқбойликлар қадаган «Бухоро-6» нави гуқрираб униб чикди. Дехқоннинг елкасига офтоб теғди. Меҳр билан ғўзани парваришлашға киришди. Хозирги кунда далоғиға тулаш сарҳисоб дала, кўм-кўк пахтазор. Ғўзаға яқши ишлов берилган. Қондириб сўғурилган. Шу кунларда 5-6-кўлтывация ишлари амалға оширилди. Иш минерал ва маҳаллий ўғитлар билан бажарилди. 800 гектар ер майдониға шарбат қўйилди. 150-200 гектар ердаги ғўза - тўлик гуллади. Ривожланиши кўнгулдагидек, демек сентябр ойидан бошлаб оқчилдаги оппоқ пахталар кўнгулғи тоғдек опсалтириши мўқаррар.

Шу боис йигим-теримни намунали ўтказиш ниятида тадбир белгилаб олинди. «Оқ-олтин» нест-нобуд қилинмай териб олинди. Теримнинг хар беш кунда теримчилик меҳнат қилинади. Илгорлар эса рағбатлантирилади. Пахтакорларнинг кўнгулғи дам олиши ҳам режалаштириб қўйилган. Соя-салқин жойларда 6 та шийрон тахт. Улар ёнидаги ҳовуз атрофиға манзарали дараклар экилган. Дам олиш соатларида томоша қилиш учун телевизор бор. Махсус бунлар хоналари оналарнинг оғирини ёнғил қилади. Хуллас, терим мавсуми учун барча шарт-шароит яратилган.

Бу йил 1162 нафар ижарачи пудратчи билан шартнома тузилди. Улар юридик талабларға тўла жавоб бериди. Умуман хўжалик хайътига назар солинганда, меҳнатқиларнинг иқтисодий жиёмосиға аътибор берилётганини ҳис қилиш мумкин.  
Хўжаликдаги умумий аҳолининг сони 13 минг нафарни ташкил этади. Улар учун нафсон қадар шарт мавжуд, 6 та кўтубхона, 2 та сартарошхона, этиқдўз устанонаси, қатор дўконлар, 2 та дорихона, 5 та тиббиёт пункти аҳолиға мунтазам хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда моҳир шифоқорлар Иброҳим Хайитов, Абду-

## «Бешкент» ширкат хўжалигининг ҳудуди туман маркази билан қўшилиб кетган. Қишлоқ аҳли азалдан деҳқончилик билан шугулланади. Дала миришкорларининг фидойи меҳнатлари туғайли ғалла ва пахтадан юқори ҳосил етиштириб келинапти.

Утган йил хўжаликда 3660 тонна дон, 3504 тонна пахта етиштирилди. Ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларидан 260 миллион сўм соф фойда олинди.

Қишлоқ аҳли Содик Мирзаевни яқши билишадди. Умири далада ўтган истараси иссиқ бу жонсарак киши кўп йиллардан бери оилавий пудрат бошлиғи. 26 гектар ерда деҳқончилик қилаётган 12 кишидан иборат жамоа ғалла ва пахтадан улкан жирмон кўтариб келаяпти.

Ишонс хайътида шундай воқеалар бўладики, уни ҳеч қачон унутмайсиз, - дейди Содик ака биз билан суҳбатда. - Мамлакатимиз раҳбари билан учрашувларим умрбод қалбда муҳрланиб қолди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз 2003 йил 31 июлда Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруқчилик хўжалиғи далагарига ташриф буюриб, деҳ-

## Оилавий пудрат шарофати

Далаларда пахта чамандек очилган. Бу ерда йигим-терим бошланган. Бултур пахта ҳосилдорлигини гектар бошиға 45 центнерға етказган пудратчилар бу йил 50 центнерлик маррани кўзламоқдалар.

Хар бир ишни вақтида бажариш керак, - дея суҳбатни давом эттирди ширкат хўжалиғи раиси Қовмиддин Расулов.

Хуллас, деҳқоннинг қадрини ошириш, моддий манфаатдорлигини кўчатиришға қаратилган тадбирлар эртанги кунға бўлган ишонини мустақамламоқда.

Хўжалиқнинг мавжуд 68 та оилавий пудратчилари даласида йигим-терим авжига. Кичик Омонова, Норпўлат Раҳмонов, Дилором Мадатов, Ҳамза Ҳасанов, Сидрот Исомов каби оилавий пудратчилар ҳалол меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йигиштириб олмоқдалар.  
**И.ИСОМИДДИНОВ**

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

«Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзтемирйўлмаштаъбир» ҳамда «Ўзтемирйўлконтейнер» корхоналари Россиянинг «Транспроспект» корхонаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этди.

Янги «Тошрострас» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот шу пайтгача Россиядан катта маблағ эвазига келтирилган эди. Мутахассислар фикрича, «Тошрострас»да ишлаб чиқарилаётган яқка блокчи ёлпуччи-пломболовчи ускуна кўрғонини таъмиға нисбатан анча қулай, сифатли ва арзон. Корхонада бир ойда 35-40 минг дона ана шундай «Хумо-1» деб номланган ускуна ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхонани ишға туширишдан мақсад ташилаётган юқларни бутлигини таъминлаш, барча турдаги темирйўл вагонларини, цистерналар, контейнерларни, автофургонларни, омборхона эшикларини ва бошқа муҳим объектларни ишончли ёпиш ҳамда пломбалаш ускуналарини билан таъминлашдан иборат, - дейди қўшма корхона директори Дурбек Ёқубов. - Эътиборли жиҳати, зарур хомашёнинг 60-70 фоизи ўзимиздан чиқаяпти.

## «ФУЛОНГ ИНДУСТРИАЛ»ДА ЁШЛАР МЕҲНАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида «Фулонг индустриал» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Йилиға ўн икки минг тонна крахмал, саккиз юз тонна мақажури ёғи тайёрлаш қувватиға эға бўлган корхонада асосан ёшлар меҳнат қилмоқда.

## Бир пайтлари ўз маҳсулоти билан Сурхон воҳасидаги қурилиш ташкилотларини таъминлаб келган «Сурхон комбинати» иқтисодий шифқатсиз қонунларига дош бера олмаган корхона бутунлай ўтириб қолди.

Сурхондарё вилоят хўжалик суди корхонани санаъията тортиш тўғрисида қарор чиқарди. Ташки бошқарув таъминланди. Бизнес-режа тузилиб, 61 хил маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Тажрибали муҳандислар ёнғ шимариб ишға тушди. Натиха узвқ куттирмади.

Корхона қувағидан тўлик фойдаланмаслиқ, ишининг кўзини билданади, тажрибали мутахассисларнинг ҳал этилмаганлиғи оқибати-

## ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ЮТАДИ

да ўтириб қолган эди. «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темирйўли бўйлаб қуриладиган иншоотлар учун темир-бетон конструкциялари етказиб бериш бўйича тендер-танловиде яттиб чиқдик, - дейди корхонанинг ташки бошқарувчиси Қоракон Турсунов. - Иш ҳажми катта, икки миллиард саккиз юз миллион сўмлик. Бу фақат шу йилда амалға оширилади. Агар асосий ишларни июн ойида бошлаган бўлсақ, хозирғача қарийб бир миллиард сўмлик иш бажарилди.

Дарвоқе, комбинат хорижий давлатлардан тушаётган буюртмаларини ҳам ўз вақтида сифатли бажаришға эришмоқда. Россиялик тадбиркорлар билан тузилган шартномаға қўра, минтақа юқори босимли қувур тайёрланди. Қиймати 250 миллион сўм. Яна анчагина қувур экспортға тайёрлаб қўйилди.  
«Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компанияси билан тузилган тендер шартномасига биноан 400 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Хуллас, «Сурхон комбинати» қаддини ростлаб олди. Энг муҳими, сифатли хариддорғир маҳсулотлар бозор рақобатиға бардош бермоқда. Ана шундай, ишининг кўзини билган доим ютади.  
**(ЎЗА)**

## Вояға етмаганларнинг ҳуқуқий жиёмосини таъминлаш, уларға гамхўрлик кўрсатиш фарз. Ёрдамға муҳтож бу ёшлар катталарнинг меҳри, мададини чуқур ҳис этиб турсин.

Ёшлар мамлакатимиз келажағи. Улар қамолатини таъминлаш, билим, дам олишини ташкил этиш, саломатлиғи устида қайғуриш долзарб вазифа қилиб белгиланган.

## НОГИРОНГА МУРУВВАТ ШУМИ?

Бу хайрли ишға йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари муайян ишларни амалға оширмоқдалар. Биргина Мирзаобод туманида жорий йилнинг ўтган 6 ойида 23 та текшириш ўтказилди. Шу аснода аниқланган қонунбузарликларни бар-тароф этиш юзасидан 17 та тақдирнома киритилди, 66 та оғохлатириш берилди, 37 интизомий, 20 та моддий ва 3 та жиноий иш кўзғатилди.

Маълумки, болаликдан ногирон ёшлар ҳуқуқатимизнинг алоҳида эътибориға олинган. Уларни васий нафақа билан таъминлаш, хонадонларида таъмин олишларини ташкил этиш даркор. Тахлиллар шунки кўрсатадики, туманда 335 нафар тумға ногирон, вояға етмаган ёшлар истикомат қилади. Улар қонун доирасида ихтимий муҳофаза олинган. Таассуфки, гуруч қурмасиз бўлмаганидек, баъзилар ногиронлар тақдирига лоқайд, бепарво муносабатда бўлмоқдалар.

Хатто ёрдамға муҳтож, ногирон учун ажратилган мақсадли пул маблағларига кўз олайтириш, хизмат сохтакорлиғиға йўл қўйиш ҳолатлари содир этилаётганини қандай изохлаш мумкин.

## Оғриқ нуқталар

Шу ўринда бир мисол: болаликдан ногирон Бекзод Назаров 2002 йил октябр ва ноябр ойларида Тошкент вилояти, Қирбай туманидаги 41-сонли махсус мактабда ўқиб, даволанган. Уни ўқитиш ва зифаси юқлатилган. А.Навойи шукли 1-мактаб ўқитувчиси Урозоҳол Шукурова

## ЯНГИ ГЭС

Самарқанд вилоятининг эски сугорши тармоқларидан бири Дарғом каналда 3 мегаватт қувватли янги электр станция ишға туширилди.  
- Гидроэлектростанция қурилиши ўрта ва кичик электростанцияларни қуриш бўйича давлат дастури доирасида амалға оширилаётган ишнинг бир қисми ҳисобланади, - дейди «Сталек-гидротех» МЧҚ раҳбари А. Аббосов. «Туркистон-пресс» муҳбириға. - Қиска мудат ичида бу ерда зарур иншоотлар, хусусан, ГЭС бизнеси ва насос станцияси қуриб битказилди.

Россиянинг «Инсет» фирмаси хар бири 500 киловатт соатлик 6 та гидроагрегатни етказиб, уни ўрнатди. Қолган электр ускуналар эса мамлакатимиз корхоналарида тайёрланди. Бу лойиҳа таннархини анча арзонлаштирди.  
А. Аббосовнинг таъкидлашича, ишонч билан айтиш мумкинки, ишлар охириға етказилгандан кейин Самарқандни электр энергияси билан таъминлаш муаммоси тула-туқис ҳал этилади.  
2010 йилгача мамлакатимизда 141 та кичик ГЭСларни қуриш режалаштирилмоқда. Бу эса йилиға қўшми 8 миллиард киловатт соат электр энергия демакдир.



# Юртимиз шифо масканларида БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Ҳаётда бемор ишончини қозониш бахти шифокор халқига насиб этади. Бундай бахтга у баъзан дилдан айтган бир оғиз сўзи билан эришмоғи ҳам мумкин. Букротда шундай таъкид бор. «Беморни дори билан эмас, балки сўз билан даволаш афзал».

Касал киши учун энг қийин, энг оғир кечадиган дамда шифокор томонидан топиб айтилган бир оғиз сўз, унга ҳар қандай доридан ҳам қучли таъсир этиши мумкин. Уз ўрнида усталик билан топиб айтилган сўз, беморнинг юрак-юрағига етиб бориб, унда яшаш учун курашга умид уйғотади. Мен раҳбарлик қилаётган Когон туман марказий касалхонасида эса бундай кишилар оз эмас.

Шифохонада ўз умрини савоб иш-шифокорликка бахшида этган саҳий, муруватли, содда, ҳақғўй, бегараз ва адолатпарвар ходимлар кўпга топилди. 1-аккушерлик бўлимининг етакчиси М.Ашурова, у кишининг сафдошларидан С.Хасанова, ички касалликлар бўлими шифокори Р.Шерова, марказий поликлиникадан И.Тоиров, қишлоқ врачлик пункти ходимларидан М.Тўхтаевларни туманда кўпчилик хурмат қилади.

Туманимизда 55 минг 300 нафар аҳоли истикомат қилади. Унинг 34 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Умирлар сони 3 минг 900 нафар. Туғиш ёшида бўлган аёллар эса 14 минг 300 нафар.

Туман марказидаги 205 ўринли шифохонадан ташқари, 16 та қишлоқ врачлик пунктлари 1 кунда 300 беморни қабул қилишга қодир 2 та поликлиника, тез ёрдам бўлими ва бошқа шохбачалар орқали халққа намунали тиббий хизмат кўрсатиб келаётирмиз.

Бозор иқтисодиёти силлиқ кўчадиган жараён эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу, кўпроқ ислохотларнинг иккинчи босқичида тиббиётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлаётир. Вазиятдан келиб чиқиб, пуллик хизмат кўрсатишга қодир бўлган ҳўжалик ҳисобиди бўлимлар фаолиятини жонлаштиришга эътиборни қаратаймиз. Ишчан шифокор-гинеколог Шохсултон Муродова бошчилигидаги бўлим фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Йил охиригача марказий шифохонада бундай бўлимлар сони 3 тага етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Олинган фойда эвазига техника воситалари таъмирланмоқда. Иссиқ ва совуқ сув таъминотини изчил йўлга қўйиш имкониятлари ҳам яратилди. Замонавий кир ювиш хонаси барпо этилди.

Бизга «Бухоро», «Бўстон», «Ўзбекистон», «Когон» ширкат ҳўжаликлари ҳомийлик қилмоқда. Уларнинг бегараз кўмаги тўғрисида шифо масканларимиз қайта чиroy оцаётир. «Тез ёрдам» машиналарининг бекўксон ишлашида ҳам ҳомийлар мадади сезилмоқда.

Байрамларда касалхона маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда касбдошларимиз меҳнатни қадрлашни ҳам эсдан чиқармаямиз. 15 фоизли рағбатлантириш фонди маблағидан илгорлар мунтазам равишда мукофотлаб борилмоқда.

**Шухрат МУХИДДИНОВ,**  
Когон туман марказий шифохонаси бош ҳакими



## САЙЁХЛИК МАЖМУИ

Бухоронинг эски шаҳар қисмида эллик ўринли меҳмонхонага эга бўлган сайёхлик мажмуи қурилиши бошланди.

Ушбу сайёхлик мажмуи «Шахристон-Вояж» қўшма корхонаси буюртмасига кўра бунёд этилмоқда. Қурилиши 47-механизациялашган кўчма жамланма бош пудратчи сифатида олиб бормоқда.

Лойиҳага кўра, уч қаватдан иборат сайёхлик мажмуида мажлис залли, ресторан, бар, интернет кафе, йўлдош алоқаси хизмати ҳамда кўпга хизмат кўрсатиш шохбачалари ўрин оладики, бу сайёхларга катта қўлайлик туғдиради.


## ҲОМИЙЛАР

Бухоро вилояти мактабларига жорий йилнинг саккизи ойи мобайнида 538,7 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Бу ҳар бир мактабга ўртача бир миллион сўмлик ёрдам демакдир.

Укув йили бошланиши арафасида Пешку туманидаги «Гулистан» ширкат ҳўжалигида янги мактаб фойдаланишга топширилди. Яқин кўнларда Бухоро туманидаги «Чорбақ» ширкат ҳўжалигида ҳам янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Вилоят капитал қурилиш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, шу кўнларда Корақўл туманидаги мактаб интернатнинг 120 ўринли ётоқхона, Пешку туманида 120 ўқувчига мўлжалланган мактаб ишга тушди.

«Туркистон-пресс»



Мамлакатимизда паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилётган ишлардан асосий мақсад жамиятда фуқароларнинг янада фаоллигини оширишга имкон яратишдир. Бу борада Урта Чирчиқ туман ИИБнинг паспорт бўлими хизматлари томонидан қўлга киритилётган ютуқлар катта саломатлик эга. Хусусан, жорий йил давмида бўлими томонидан 4424 нафар фуқарога Ўзбекистон Республикаси паспорти берилди. Уларнинг асосий қисми илк мартаба фуқаролик ҳужжатини қўлга ушлаган ёш йилгит-қизлар ҳисобланади. Баъзи ҳолларда эса паспортни йўқотган шахсларга ҳам ҳужжат бериш ҳолатлари дўч келинмоқда.



Бундан ташқари, паспорт тизими қондаларини назорат қилиш бўйича бўлими ходимлари ва профилактика нозирлари ҳамкорлигида бир қанча махсус тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Махсус тадбирлар жараёнида эроқсия ҳолатга келиб қолган, қайд қилинмаган ва ўз вақтида алмаштирилмаган паспортларни олиб юрган шахслар аниқланди. Қондабузарларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, моддий жарималар белгиланди. Шунингдек, 466 нафар ҳудудда рўйхатдан ўтмай яшаётган фуқаро ва 89 нафар мамлакатимизда бўлиш қондаларини бузган МДХ давлатлари фуқароси ҳам қонуний жаримага тортилди.

Масъулиятли касб эгаларининг сайёҳаракати билан олдига олиняётган қондабузарликлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги салмоқли олимларидир. Эеро, бу олимлар келгусида қурт истиқболни унган пайдевор вазирасини ўтайди.

Суратларда: паспорт бўлими фаолиятдан лавҳалар.  
**И.ХАСАНОВ**  
олган суратлар

## ТРАНСАРТЕРИЯ - ОВРЎПОГА ЙЎЛ

Буюк Ипак йўлининг Каспий денгизи орқали Европа давлатларига олиб чиқадиган Устюрт кенгликларидан ўтадиган 241 километрлик Кўнғирот-Бейнеу йўли қурилиши биринчи босқичи тугалланди.

Шу муносабат билан «Абадан», Бердақ, Алдамбергенов, «Жаслик» участкаларида тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди. Меҳнат илгорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қорақалпоғистонлик йўлсозлар автомагистралнинг Кўнғирот-Бей-

неу қисми қурилишининг биринчи босқичини шу йил 16 апрелда бошлаган эди. Кийикўл, Бўстон, Қувонқ Абадан, Оқтўбе, Борсакелмес участкаларида қурилиш ишлари жадал олиб борилди.

Автомагистрал асосига Қоратов конларидан келтирилган шағал ётқизилди.

Биринчи босқичда 241 километр йўлнинг асоси тайёрланди, дейди «Ўзавтйўл» давлат акционерлик компаниясига қарашли Тахитов шохсус йўлқўприк қурилиши бошқармаси бошлиғи Мадат Ол-

Юқоридаги шиорни иш фаолиятларига дастуриламал қилиб олган Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли автотранс» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоасида 240 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Бу ерда ўртача маош 67 минг сўмини ташкил этади, Корхонада 30 та замонавий «Мерседес-Бенц», 17 та «Отыйўл», 22 та «ДЭУ» ва бошқа автобуслар йўловчилар манзиллини яқин қилмоқда.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараккиёт банкининг йиллик йиғини меҳмонларига замонавий транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида Германиядан 30 та «Мерседес-Бенц» автобуслари сотиб олдик. Асосий мақсадимиз турли тадбирлар иштирокчилари шунингдек, корхоналар, ташкилотларнинг ишчи-ҳодимларига шарҳнома асосида хизмат кўрсатишни иборат. Биз ҳар доим намунали хизмат кўрсатишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шунга амал қилган жамоамиз 6 ойликни 10 миллион 370 минг сўм соф фойда билан яқунлади, - дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Зокиржон Файзибоев.

Корхона автобуслари шаҳар

## «ҲАР ДОИМ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ»

олди ва шаҳарлараро йўналишларда ҳам йўловчиларни манзилларига етказишмоқда. Бўжа, Пискент, Муротали ҳамда Гулистон, Жиззах бўйлаб замонавий автобуслар қатнови ташкил этилган. Яқин кўнларда Зомин санаторийсига борувчиларга ҳам нафимиз тега бошлайди. Чорвоқ ва бошқа пансионатларга йўловчи ташийдиган корхонанинг хизмат қамрови янада кенгайди.

Корхона «Бинокор» маҳалласида истикомат қилаётган бир гуруҳ



## Тадбиркорлик — давр талаби

қарияларни Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни томоша қилишлари учун замонавий авто-

ўтказаятганларга намунали ва қўлай хизмат кўрсатиб келинмоқда. Албатта, бу ерда бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган ишчи ходимлар ҳам рағбатлантирилмоқда.

Ишчи-ҳодимлар санаторий ва профилакторий ҳамда дам олиш уйларида хордик чиқариб, саломатликларини тиклашлари учун ҳозирча 300 минг сўм сарфланди. Спортни ривожлантиришга етарли маблағ ажратилган.

Корхона жамоаси келгусида хизмат фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида янги йўналишлар очишни режалаштирган.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,**  
**Ғулום ХИДИРОВ,**  
«Ишонч» муҳбирлари

Суратда: ҳаракат ҳавфсизлиги бўлими бошлиғи Ҳақим Раҳмонбердиев ҳайдовчи Равадан Алиматовга йўл-йўриқлар бермоқда.

## Қарор ва ижро

рий йилнинг олти ойи мобайнида ўтказилган текширувлар натижаси шунки кўрсатдики, юридик шахслар томонидан 262 та, жисмоний шахслар томонидан 414 та қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди. 228 ҳолатда эса назорат касса машиналари ишлатилмаганлиги маълум бўлди. 99 нафар юридик ва 72 нафар жисмоний шахслар томонидан 189120,7 минг сўмлик нақд савдо пуллари ўз вақтида банк муассасаларига топширилмасдан бошқа мақсадларга

Текширув пайтида ушбу шахс давлат рўйхатидан ўтмасдан, солиқ инспекциясидан қайд гувоҳнома-си олмасдан ҳамда лицензиясиз спиртли ичимликлар сотаятганлиги маълум бўлди. Натихада 242 минг 930 сўмлик спиртли ичимликлар ва 20 минг сўм савдо пули далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жондор тумани Навоий ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаро Б.Жиллиев тутган йўлни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмади. Босиси, ўз уйида яширин чех ташкил қилиб, яна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. Ушбу махсулотлар сифати текширилганда умуман истеъмолга яроқсиз эканлиги маълум бўлди. Наҳотки, ўзгалар саломатлигига зиён етказиб топилган даромад Б.Жиллиевга татиса.

Ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний хатти-ҳаракат йўлига тўсиқ қўйилиши тайин. Шу боис, энг тўғри ва мақбул йўл қонуний фаолият юритишдир. Бу билан тадбиркорларимиз ўз даромадларини кўпайтирган ҳамда давлат хазинасини бойитишга ўз хиссаларини қўшган бўлардилар. Биз тўлаётган солиқлар юртимизнинг иқтисодий ривожланишига, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, фаровон турмушимизни яхшилашга, фарзандларимизнинг етуқ ва баркамол бўлиб воғна етишига хизмат қилишини аниглаб етмоғимиз лозим.

**Ислон САЙДИКАРИМОВ,**  
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.  
**Давур ЖОЗИЛОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

## СОЛИҚЛАР— ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Иқтисодиётни мустаҳкамлашда пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисобкитоблар тизимини кенгайтириш, аҳолининг иқтисодий-маданий турмуш даражасини кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тўғрисидаги қарори

Айниқса, бозорларда солиқ таянч пункти инспекторлари фаолияти янада жонлантирилди. Лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиб, пунктлар қошида махсус марказлари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш бўлимлари иш бошлади. Боиси, вилоятда яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар, кўпчилики ташкил этади. Ҳаракатлар самараси ўларок, ҳозирда ушбу соҳа вакиллари сони ортиб, солиқдан қочиб каби

қонун бузилиш ҳолатлари эса бир мунча қисқарди. Қувончлики, намунали солиқ тўловчилар кўпайиб бормоқда.

Тўқимачилик тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган фуқаро М.Хамроевага қарашли савдо дўконига кўздан кечирилганда, шаҳар ҳокимлиги ва давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиб келганлиги ошкор бўлди. Боз устига назорат касса машинасини ўрнатмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз 32 турдаги махсулотлар билан савдо қилиб келинган. Ёки Фиждувон тумани деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Г.Пўлатовнинг соҳта тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келганлигига нима дейсиз?

ишлатилганлиги фош этилди. Оқибатда қонунбузарларга нисбатан жами 253507,5 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Бир неча бор амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтган 9 нафар субъектнинг фаолияти умуман тўхтатилди.

Тўқимачилик тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган фуқаро М.Хамроевага қарашли савдо дўконига кўздан кечирилганда, шаҳар ҳокимлиги ва давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиб келганлиги ошкор бўлди. Боз устига назорат касса машинасини ўрнатмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз 32 турдаги махсулотлар билан савдо қилиб келинган. Ёки Фиждувон тумани деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Г.Пўлатовнинг соҳта тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келганлигига нима дейсиз?

## ИРОҚҚА ОИД РЕЗОЛЮЦИЯ

рурлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ж.Пэррининг сўзларига қараганда, яқин кўнларда АҚШнинг Ироқ бўйича тайёрланган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этилади. Дипломатнинг фикрича, Ироқда мумкин қадар

**Оламда нима гап?**

тезроқ мустақил давлат тузилмалари шакллантирилиши зарур ва бу борада Хавфсизлик кенгашининг барна аъзолари биргаликда ҳаракат қилиши керак.

Ироқ юзасидан АҚШ тайёрлаган резолюция матни билан ҳозирча фақат Буюк Британия вакили танишиб чиққан. Мазкур ҳужжатда Ироқ мустақиллигини тиклаш, ушбу жараёнда БМТ иштирокини қўлайитириш масаласи билан бирга, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш учун белгиланган вазифалар ҳам акс этган.

Резолюциянинг қабул қилиниши

Ироқни тиклаш ишларида халқаро молия институтлари иштирокини қўлайитириши керак. Шунингдек, у жорий йилнинг октябрда Мадрида бўлажак Ироққа ёрдам берувчи мамлакатлар вакиллари учрашувининг самардорлигига таъсир этиши ақтимондан қолди эмас.

Ҳужжатда Ироқда хавфсизликни таъминлаш учун қўл миллатли тинчликни сақлаш кучларини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган. Ж.Пэрри бу қўшни БМТнинг эмас, балки ташкилот низомига мувофиқ, Хавфсизлик кенгаши иқтидориди кўчалар сифатида фаолият кўрсатишини маълум қилди. Хавфсизлик кенгаши умумий қўмондонлиги остида фаолият юритадиган қўшни хозир Ироқда турган АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар харбий қисмларидан ташкил этилади. Миссия ҳаракатлари БМТ ҳисобидан қопланмади.

**Нодирбек УЛҲАБОВЕВ,**  
УЗА шарҳловчиси

(УЗА)

Агар эшикнинг банди нуқул ҳаракатланарса, зангламайди. Одам ҳам шунга ўхшайди: кўп ҳаракат қилса, касал бўлмайди.

Хуа ТО

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## ЛУҚМОН ҲАКИМНИ ЛУҚМОН ҲАКИМ ҚИЛГАН НАРСА НИМА?

— Бундай юксак мартабага қандай эришдинг? — деб сўрашди Луқмон ҳақимдан.

— Бировларнинг айбидан кўзимни юмдим, ёмон гаплардан тилимни тийдим, халқумимни шубҳадан тозалладим, нафсимни ҳаромдан сақладим, сўз сўзласам рост сўзладим, аҳдимга вафо қилдим, меҳмонимга марҳамат кўрсатдим, кўшимни ҳимоя қилдим, маломат сўзларни сўзламадим, кўпчилиكنинг хизмати учун кундузлари асло ухламадим, яқовлигидан қочдим. Шу қилмишларим мени шу даражага олиб келди.

## Пул йўқотган киши ҳикояти

Урта асрларнинг машҳур туркигўй шоири Ҳайдар Хоразмий ўзининг «Гушан ул-асрор» дostonида шундай ҳикоя қилади: Бир одам йўлда бора туриб кисасидаги пулини тушириб қўяди. Қайтиб келиб тополмайди. Шунда у Яратганга ёлвориб: «Эй Парвардигор, йўқотган пулимни сайид муфти ва бою бадавлат топиб олмасин, топса ҳам биров камбағал топиб олсин, — деб илтижо қилади. Буни эшитиб турган бир одам унга:

— Сен нега бундай деясан, ахир саиду ганилар дунёнинг тиргаги-ку, — деди. Бунга жавобан ҳалиги киши:


## Жавонмардликнинг рост сўзи

— Агар жавонмард бир жойда ўтирган бўлса-ю, ёнидан бир киши ўтса, унинг орқасидан эса иккинчи одам қилич яланғочлаб, ундан: «Шу ерда ўтирганимда бир киши ўтдимми?» — деб сўраса жавонмард нима деб жавоб қилиши керак? — деб сўрашди бир жавонмарддан.

— Жавонмард ўтирган жойидан бир қадам силжиб ўтиради-ю: «Мен бу ерда ўтирган пайта ҳеч ким ўтмади»,

## Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 3. Са молёт қаноти қисми. 6. Кунунга амал қилишни назорат қилувчи давлат ходими, ҳуқуқшунос. 32. Сахродаўсувчи дарахт. 35. Ишлаб чиқариш корхонаси.

Энига: 4. Дунё томони. 5. Ширинлик. 11. Бадий тўқимачилик хунармандчилиги. 13. Куршов. 14. Ярим шар шаклидаги гумбаз. 15. Гулламайдиган хўл мева. 18. Вақт ўлчови. 19. Ўзбек ҳуқуқшунос олими. 21. Ой ҳаракати даврийлигига асосланган йил



## ЮГУРИБ ЕТОЛМАЙДИГАН ЖОЙГА ЮРИБ ЕТИШ

Бир йигит узок масофага ниҳоятда шиддат билан йўл босиб борарди. Охири бир қария эса унинг ортдан аста-секин юриб келарди. Кўп ўтмай йигит чарчаб, оёғи оғриб ётиб қолди. Ҳалиги қария эса аста юриб келиб уни кўрди ва аҳволининг нималигини билди. «Юғуриб ета олмайдикан охира юриб борган яхшироқдир», — деди қария йигитга.

## НЎШИРВОН УЗУКЛАРИДАГИ УЧ НАСИҲАТ

Ривоят қилдиларки, бир куни халифа Маъмунийнинг саройида одил подшоҳнинг жисмлари қабрда ҳам чириб кетмайди, деган маънода гап боради. Халифа бу гапнинг қанчалик тўғрилигини билиш учун Нўширвонни одилнинг даҳмасини очишни буюрди ва ўзи даҳма ичига кирди. Халифа Нўширвоннинг қаттиқ уйку элитган кишидек сокин, тинч ётганини кўрди. Унинг қўлида учта узуги бор эди. Биринчисидан: «Дўст ва душман билан чиқишгин», иккинчисидан: «Бирор иш қилмоқчи бўлсанг доғиманлар билан кенгашиб қил», учинчисидан: «Кўл остингдаги раиятининг орзу-истакларини доим эътиборингда тут» деб ёзилган экан. Маъмур бу пандонамаларни ёзиб олишни буюради ва тупроқни атир билан қорштириб даҳманинг устини ёптиради.

## РИВОЯТЛАР ВА ҲИКМАТЛАР

Ёзувчи Мухтор Худойқулов «Ривоятлар ва ҳикматлар» деб номланувчи туркум ҳикоятлардан иборат бўлган китоб ёзди. Қадимги ривоятлар, нақллар, ёзма манбаларга асосланган бу ҳикоятларда аجدодларимизнинг ҳаёти, меҳнати, мардлиги, донолиги ҳақида сўз боради. Қуйида сиз шу китобнинг «Жавонмардликнинг рост сўзи» бобида қирган ҳикоятлардан ўқийсиз.

## «САДАҚАДАН ДУО ЯХШИ...»

Абул Фарох шундай ҳикоя қилади: машҳур араб шоири Абу Исҳоқ ал-Атахия ўз шеърлари учун ўша давр ҳужмдорларидан катта-катта муқофолар олиб турса ҳам жуда зикна одам эди. Унинг бир кўшниси бўлиб, ниҳоятда камбағал эди. Уша кўшнини ҳаргал кўрганда Абу Исҳоқ унинг ортидан: — Илоҳо, шу бечора ғарибни қўллагин, — деб дуо қиларди.

— Абу Исҳоқ, бу кўшнининг ҳар

## ЎЧ ФАҚАТ ДУШМАНДАН ОЛИНАДИ

Ҳикоя қилдиларки, бир шаҳарда ўткир пичокбоз бир чапани яшарди. У бир куни кўчада бораётган ерда ётган қовун пўчоғига сирғалиб йўқилиб тушди. Шунда чапани тура солиб пичоғини олиб қовун пўчоғини тилқалаб ташлади. Шунда унинг шерикларидан бири: «Шундай зўр пичокбоз бўлатуриб шу пўчоққа пичок урдинг-а, бундан уялмайсанми?» — деди. «Мени йиқитган пўчоқ бўлса, хўш, кимга пичок урай? Кимки мени йиқитса, у душманимда», — деб жавоб қилди чапани.

## КРОССВОРД

хисоби. 22. Улуш. 26. Турли рангда бўладиган маъдан. 28. Пойга мусобақасининг бошланиши. 31. Автомобил қисми. 33. Ўзбек ҳикоянавис адибаси. 34. Рангли металл.

Бўйига: 1. Тугал маъ-

но англутувчи сўзлар бирикмаси. 2. Миллий таом. 4. Тожикистондаги Турсунзода шаҳрининг аввалги номи. 8. Дурадгорлик асбоби. 9. Пардасиз, икки торли мусиқа асбоби. 10. Сўз туркуми. 11. Мексикадаги шаҳар.

12. Электр тоқини тўпловчи асбоб. 16. Жуғрофиядан ўқув куроли. 17. Туркиядаги порт шаҳар. 20. Табобат ва саноатда ишлатиладиган юмшоқ, кул ранг тоғ жинси. 23. Коинот. 24. Илтимоснома. 25. Шифобахш гиёҳ. 29. Мумтоз ҳамсанавис форс-тожик шоири. 30. Сувори.

Ф.ОРИПОВ тузди

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ МАКТУБЛАР

Эндиликда Андижон мактаб ўқувчилари Интернет орқали хат ёзиш олади. Вилоят марказидаги 31-мактабда «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар» лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) молиялаётган лойиҳа Халқаро тадқиқотлар ва алмашувлар бўйича кенгаш (IREX) томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳага кўра, виллоятнинг 8 та мактабини янги авлод компьютерлари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

— Бу - катта дастурнинг бир қисми, унинг давомида республиканинг 102 та мактабда 1000 дан ортиқ компьютер олади, улардан 66 таси Интернетга уланган бўлади, — дейди USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили Бет Саламанка хоним. — Келгусида бегараз ёрдам ҳажми оширилиши мумкин. Компьютер синфларида фақат информатика бўйича дарслар ўтказилмайди. Дарс жадвалида география, тарих, чет тиллари каби фанлар ҳам бор.

Компьютерлар билан бирга мактабларга 20 та компакт-диск топширилмоқда. Уларда кўплаб материаллар, шу жумладан жаҳон комусидан маълумотлар берилган. Бу дарсларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Ҳуқуқчилар компьютер синфларида дарс ўтиш учун зарур тайёрликдан ўтиб бўлиши.

## ФОТОАЙБНОМА



## ШАВКАТ СУЛТОН ОЛГАН СУРАТЛАР

Нишон туманида қурилиш бошланган бозор қишда лой, ёзда чанг ҳолатда аҳолига «хизмат» кўрсатади. Расталар усти очиклиги етишмаслиги сабабли дехқонлар ўз маҳсулотларини дуч келган ерда сотишга мажбур бўлишмоқда. Бозор қурилишини тугаллаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Бу ҳақда мутасадди раҳбарлар нима дейишаркин?!

## Ним табассум

Богбон олмага чиққан болага: — Уни сотиб олишга менда пул йўқ. Агар сен мактабда яхши ўқисанг, эҳтимол, катта бўлганимда автомобил сотиб оларсан.

— Дада, демак, сиз мактабда жуда ёмон ўқиган экансиз-да...

— Менинг бурним ойимникига, кўзим дадамникига ўхшайди, — деди бир бола.

— Менинг пешонам баайни бувамники, қулогим амакминики, — деди иккинчиси.

— Менинг кийиб юрган иштоним — акамники, — деб мактанди учинчиси.

Автобусда иккита бола кетяпти. Бири иккинчисини тирсаги билан туртиб, сўради:

— Нечага киргансан?

— Тўртга. Ўзинг-чи?

— Билмайман.

— Ароқ ичасанми?

— Йўқ.

— Чекасанми?

— Йўқ.

— Қизлар билан юрасанми?

— Йўқ.

— Демак, сен хали учда экансан...

— Уни сотиб олишга менда пул йўқ. Агар сен мактабда яхши ўқисанг, эҳтимол, катта бўлганимда автомобил сотиб оларсан.

— Дада, демак, сиз мактабда жуда ёмон ўқиган экансиз-да...

— Менинг бурним ойимникига, кўзим дадамникига ўхшайди, — деди бир бола.

— Менинг пешонам баайни бувамники, қулогим амакминики, — деди иккинчиси.

— Менинг кийиб юрган иштоним — акамники, — деб мактанди учинчиси.

Автобусда иккита бола кетяпти. Бири иккинчисини тирсаги билан туртиб, сўради:

— Нечага киргансан?

— Тўртга. Ўзинг-чи?

— Билмайман.

— Ароқ ичасанми?

— Йўқ.

— Чекасанми?

— Йўқ.

— Қизлар билан юрасанми?

— Йўқ.

— Демак, сен хали учда экансан...



## БОЛАЛАР ИСТИҚЛОЛНИ КУЙЛАЙДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳуқумат хайрия жамғармаси болалар учун Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган қувнок ва ёрқин байрам ташкил қилди.

У жамғарма қошида фаолият юритаётган «Оила» тиббий марказининг ёзги майдончасида бўлиб ўтди. Бу ерда Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ИИВнинг хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг болалари тақлиф этилди.

Болажонлар билан учрашувга «Томоша» театру-студиясининг ёш артистлари келишди. Томошабинларнинг ўзи ҳам концертнинг бевоқиф иштирокчиларига айланди, улар қўшиқ айтишди, рақсга тушишди, шеър ўқишди, тенгдошларининг ҳақиқий профессионал маҳоратидан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Байрам давомида турли танловлар ва викториналар ҳам уюштирилди. Барча ёш меҳмонларга жамғарма вакиллари эсдалик соғвалар топширди.

Шу кунларда бундай болалар байрамлари республиканинг барча виллоят ва туманларида бўлиб ўтмоқда. Уларни «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳудудий бўлиmlари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини кўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш доирасида ўтказмоқда.

(ЎЗА)

## АНЪАНАЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

Бельгиянинг Антверпен шаҳридаги Европа Иттифоқи комиссиясининг ахборот марказида Ўзбекистон фото усталарининг асарларидан иборат «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» мавзусида кўргазма очилди. Ўзбекистон Бадий академияси Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб ташкил этган маъруза тадбир Ташки ишлар вазири, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган тадбирлар доирасида иш бошлаган ушбу кўргазма юртимизда фуқаролик бошқаруви органининг миллий модели бўлган маҳаллалар ҳаёти, уларда истиқомат қиладиган юртдошларимиз тақдири, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти хусусида ҳорижликларга атрофлича маълумот беради.

Юртимизда маҳаллаларнинг иқтисодий-ҳуқуқий макomini янада мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, асрлар мобайнида шакланган миллий кадриятлар, урф-одатларни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Рустам Шарипов, Рустам Шагаев, Турсун Али, Константин Минайченко, Абдуғани Жумаев, Шаҳноза Усмон, Виктор Вяткин, Владимир Жирнов каби ўзбекистонлик моҳир фото усталарининг кўргазмадан ўрин олган суратларида бу жиҳатлар кенг аксини топган.

(ЎЗА)

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Тахрир хайъати:**

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.15

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.